



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**



**«Қишлоқ ва сув хўжалигининг  
замонавий муаммолари»  
мавзусидаги иқтидорли  
талабалар, магистрантлар ва  
ёш олимларнинг XI –  
Республика илмий амалий  
анжумани ТЎПЛАМИ**

**СБОРНИК трудов  
XI – Республиканской научно-  
практической конференции  
одарённых студентов,  
магистрантов и молодых учёных  
на тему «Современные  
проблемы сельского и водного  
хозяйства»**

**ТОШКЕНТ 2012 йил 10-11 май**

қўлланилиши тўғримикин, деган савол келиб чиқиши табиий. Бизнингча, асосий қонуниimizда ерга нисбатан умуммиллий бойлик ҳуқуқий мақомининг белгиланишига қуйидаги омиллар сабаб бўла олади.

- ер бойликлари бутун жамият тимсолида ҳозирги ва келажак авлодларга тегишли бўлади;

- ер мамлакат ҳудуди бўлганлиги сабабли фуқароларнинг унда яшаши, жойлашиши инсонларнинг ердан фойдаланишдаги табиий ҳуқуқини англади;

- ер ресурсларидан оқилона ва унумли фойдаланиш мамлакатнинг келажagini белгилаб беради, яъни халқ ҳўжалигининг, иқтисодиётнинг ривожланишига ва шу орқали фуқароларнинг турмуш даражаси ўсишига, моддий фаровонлиги ошишига олиб келади;

- давлат жамиятни ва давлатнинг ўзининг манфаатларини кўзлаб барча ер участкаларидан фойдаланишни назорат остига олади;

- мамлакатимизда хусусийлаштириладиган ер участкалари ер фондининг жуда кам миқдорини ташкил этади. Бунда, ерларнинг ҳуқуқий ҳолати давлатнинг фуқаролик муомаласида бўладиган бошқа мулклари ҳуқуқий ҳолатидан фарқ қилишини ҳам назарда тутиш лозим.

Фикримизча, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фойдаланишида бўлмаган давлат тасарруфидаги ерлар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кимонди савдоларида, уларнинг мулкда бўлган ер участкалари эса маҳаллий ҳокимият органлари орқали ер участкасининг олди-сотдисига оид шартномани тузиш йўли билан сотилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган фармони асосида ҳозирда тегишли давлат органлари томонидан ишлаб чиқилаётган Низомда ушбу қоида ўз ифодасини топиб, фуқаролик қонунчилигига ер участкаларининг олди-сотдисига оид алоҳида шартнома тури ҳақидаги моддалар киритилса, миллий ҳуқуқ тизимимиздаги ерга нисбатан хусусий мулкчиликка оид нормалар янада такомиллашган бўлар эди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ер қонунчилигини такомиллаштириш муаммолар: республика илмий-адабий анжуман материаллари тўплами. –Т:ТДЮИ., 2005. -242б.
2. Ер ҳуқуқи муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: Тошкент Давлат Юридик институти. 2009, -43-бет.
3. Ер кадастри. Дарслик, Бобононов А.Р. ва бошқалар ТИМИ, Т.: 2008. -208 б.

*Илмий раҳбар доц. Қ.Раҳмонов*

ЎЎТ 631.153.3:519.866

#### ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИ АЛМАШЛАБ ЭКИШ ДАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ОПТИМАЛ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ С.П.Мавлонов - ТИМИ тадқиқотчиси, А.Э.Абдурахимов магистрант

Қишлоқ ҳўжалигида ерлардан самарали фойдаланиш-бозор муносабатларига асосланган мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришининг муҳим шarti ҳисобланади. Қишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган ва умуман мамлакат халқ ҳўжалигида олиб борилаётган иқтисодий илоҳотлар негизда ҳам айнан ер илоҳотлари ётади. Бу йўналишда амалга ошириладиган барча иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий тадбирларнинг тўб моҳияти - ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали халқимизнинг озик-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса, ҳам ашёга бўлган талабини қондириш ва аграр ҳозонинг экспорт салоҳиятини оширишдан иборатдир.

Шу мақсадда тупрок унумдорлигини ошириш учун зарур чора тадбирлар ишлаб чиқилаёпти. Бунинг учун энг аввало ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш эрозия (ирригацион ва шамоқ эрозияси) га қарши кураш чораларини қўриш, экинларни алмашлаб экиш тизимлари айниқса, қиска ротацияларини фермер ҳўжаликларда кенг

жорий этиш, органик ва минерал ўғитлардан унумли фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш талаб этилади. Давлат томонидан олиб бориладиган ислохатларни узвий давоми сифатида тупроқларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилайдиган, физик, агрохимёвий микробиологик хосса – хусусиятларини ижобий томонга ўзгартирадиган, республика ғўза мажмуасида тупроқ унумдорлиги ва уни муттасил маҳсулот бера олиш қобилиятини оширадиган, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган қиска ротацияли алмашлаб экиш тизимларини яратиш, шу янги тизимлардан асосий ва тақрорий экинларни етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш ҳозирги вақтнинг жуда муҳим ва долзарб масаласидир.

Ғўза мажмуидаги экинларни алмашлаб экиш тизимлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларини кўрсатишича, экинларни ўзаро алмашлаб экилиши тупроқнинг агрофизикавий хоссаларига ижобий таъсир этганлиги аниқланган [1].

Қаралаётган мақолада, хўжалиқда алмашлаб экиш даласи ташкил қилинган бўлиб, алмашлаб экиш даласидаги экинларнинг улуши берилган ва ҳар бир алмашлаб экиш даласининг 1 гектаридан олинadиган қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари ва сарф қилинадиган ресурслар нормаси берилган бўлса, у ҳолда алмашлаб экиш даласи учун оптимал экин майдонини ва ҳар бир дала бўйича ажратилган экин учун оптимал майдонни аниқлаш мумкинлиги, кўрсатилган.

Бунинг учун қўйилган масаланинг математик модели тузилиб, танланган объект бўйича маълумотлар билан тўлдирилиши керак. Объект ва математик моделнинг белгилари орасида муносабатлар ўрнатиш учун қуйидаги белгилашлар киритилади:  $a_{ij}$  - 1 га ер учун  $i$ - турдаги ресурсларнинг  $j$ -турдаги экин учун сарф қилинган нормаси,  $Q_i$  -  $i$ - экинлар гуруҳидаги маҳсулот ишлаб чиқаришдаги зарур бўлган минимал ўлчам.

$V_{jk}$  -  $k$ - алмашлаб экишдаги  $j$ -экиннинг улуши, бу ерда

$$\sum_j V_{jk} = 1 \quad 0 \leq V_{jk} \leq 1$$

$k$ -алмашлаб экишлар сони ( $k=1,2,\dots$ )

$j$ -экинлар тури ( $j=1,2,\dots$ ),  $j_i$ -экинлар гуруҳи тўплами

$i$ -ресурслар тури ( $i=1,2,\dots$ ),  $t$ - экинлар гуруҳи индекси

$x_k$  -  $k$ -алмашлаб экиш учун ажратилган экин майдони.

$C_{jk}$  -  $k$ -алмашлаб экишдаги 1га  $j$ - тур экинни экиш самарадорлиги.

$B_i$  -  $i$ -турдаги ресурсларнинг ҳажми.

$q_{jk}$  -  $k$ -алмашлаб экишдаги  $j$ -экиннинг ҳосилдорлиги.

Математик нуқтаи назаридан бу масала чизиқли программалаштириш масаласига кириadi. Шундай қилиб алмашлаб экишни ташкил қилиш масаласининг кўриниши умумий ҳолда қуйидагича бўлади.

Шундай  $X = (x_1, x_2, \dots, x_n)$  ларни топиш керакки, натижада мақсад функция

$$Z = \sum_k \sum_j c_{jk} V_{jk} x_k$$

максимал бўлсин ва қуйидаги тенгсизликларни қаноатлантирсин.

$$\sum_k \sum_j a_{jk} V_{jk} x_k \leq B_i \quad (i=1, \dots, I),$$

$$\sum_k \sum_{j \in J_i} q_{jk} V_{jk} x_k \geq Q_i \quad (i=1, \dots, T), \quad x_k \geq 0,$$

Объектнинг модел билан яқинлик даражаси Fisher критерияси орқали текширилади. Моделда объектнинг элементлари ва математик микдорлари орасидаги муносабатлар ўрнатишнинг маълум қонуниятлари ишлатилган бўлгани учун моделнинг мос келишини текширишга зарурият қолмайди [2].

Юкорида келтирилган маълумотларга асослашиб хулоса қилиш мумкинки, ғўза – кузги бугдой алмашлаб экиш тизимларини турли звеноларида кузги бугдойдан сўнг такрорий экин сифатида дон – дуққакли экинлар экилиши туپроқдаги гумус ва азот мувозанатини сақлайди, айрим ҳолатларда эса оширади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Б. Холиқов. Янги алмашлаб экиш тизимлари ва туپроқ унумдорлиги. Т.2010.
2. Г.Шодмонова, З. Абдуллаев. Ер тузишда иқтисодий-математик усуллар ва моделлар. Т. 2007.

*Илмий раҳбар: доц. Г.Шодмонова*

УЎТ 332.334:519.67

### **ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА ОИД ЕР – АХБОРОТ БАЗАСИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ А.Э.Абдурахимов -ТИМИ, магистрант**

Республикаимиз ҳам мустақиллик туфайли ахборотлашган жамият томон кириб бормоқда. Бу масала Президентимиз ва ҳукуматимизнинг диққат марказида биринчи масалалар қаторида турибди.

Ҳозирги пайтда шу нарса равшан бўлиб қолмоқдаки, у ёки бу мамлакат XXI асрда муносиб ўрин эгаллаши ва бошқа мамлакатлар билан иқтисодий мусобақада тенг қатнашиши учун ўз иқтисодий тузилиши, устуворликлари, бойликлари ва илмий салоҳияти бўйича ахборот тизимлари талабларига мослаштириши лозим.

Дунёнинг барча давлатларининг тарихий ва замонавий ер сиёсати ишончли тарзда исботладики, давлат ер фондини бошқариш муаммоларига ҳозирги кунда бир қатор соҳа олимлари қатга аҳамият бермоқдалар. Ўз худудимизни обод ва барқарор ривож и учун давлат ер ресурсларини самарали бошқарув тизимини қуриш ва йўлга қўйиш ҳамда ер ресурсларини салоҳиятини ошириш эвазига мамлакат иқтисодини кўтаришнинг асосий бўғинига айлантириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси қатга ер ресурсларига эга, лекин бу миллий бойлигимиз самарали ишлатилмаяпти. Тегишли вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг мутахассислари томонидан ўтказилган мониторинг натижасига қўра республика бўйича жами 413,7 минг гектар сугориладиган ерлар хўжалик истезмолидан чиққан, деградация ва ернинг унумдорлигининг пасайиши ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмон эканлиги аниқланган [1].

Бундай мураккаб ҳолатдан чиқиб кетиш йўли давлат ер сиёсатининг асосий йўналишини аниқлаш ва республикада ер ислохатларини ривожлантириш бўйича стратегия ва тактик чора–тадбирлар режасини ишлаб чиқишдан иборат.

Республикаимизда ер муносабатларини ривожлантиришнинг замонавий босқичида ер ресурслари бошқарув тизимини мутлоқ такомиллаштириш муҳим. Бу эса ўз навбатида Давлат кадастр ҳисоби, ер мониторинги, ерга бўлган ҳуқуқин давлат рўйхатига олиш, ерни баҳолаш, ер тўловларни шакллантириш ҳамда ердан фойдаланиш ва ҳимоялашни давлат назоратига олиш билан таъминланади.

Тарихий тажрибалар шуни кўрсатадики, барча давлатларнинг кадастр тизими барқарор эмас. У доим ижтимоий ва техник омиллар таъсирига учраб келган.

Республикада мавжуд кадастр тизими табиқий, маълум камчиликларга эга. Яъни, маълумотларнинг долзарблиги, бу маълумотларни давлат реестрига етказишда кадастр жараёнларини қўлда бажарилиши, кўп вақт ва қатга харажатлар кетиши билан боғлиқ. Масалан, маълумотлар базасининг анъанавий (қоғоз) шаклида сақланганлиги ер эгаллиги чегараларини аниқлаш ва тиклаши кўп вақтни олади. Аҳолининг ижтимоий фаоллиги ва жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги муҳим воқеаларни ўсиши ерга бўлган диққатни оширади, бу эса биринчи ўринда ер ҳақидаги жорий, долзарб ва ишончли маълумотларга бўлган талабни оширади.